

«АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ» НИНГ ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИГИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ (ИНТЕРНЕТ МИСОЛИДА)

Кодирхонов Асатиллохон

Мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Мазкур мақолада глобаллашув даврида оммавий ахборот воситаларининг жадал ривожланиши ва уларнинг жамият ҳамда ёшлар онгига салбий таъсири муаммоси таҳлил қилинади. Интернет орқали тарқатилаётган зарарли контентлар, ахборот хужумлари, уларнинг ёшлар маънавияти, хулқи ва руҳиятига кўрсатиши мумкин бўлган таҳдидлар ёритилади. Шунингдек, ахборот урушларининг замонавий шакллари, дезинформация, дезориентация, дестабилизация каби усуллари ҳамда “сохта демократия” тарғиботининг хавфлари таҳлил этилади. Муаллиф ёшларни носоғлом контентдан ҳимоя қилиш, уларда ахборотга нисбатан танқидий муносабат, медиа саводхонлик ва маънавий иммунитетни шакллантириш бўйича таклифларни илгари суради.

Калит сўзлар: ахборот хужуми, интернет, ёшлар, оммавий ахборот воситалари, медиа саводхонлик, зарарли контент, виртуал хавф, ахборот хавфсизлиги, ёшлар маънавияти, сохта демократия.

Бугун оммавий ахборот воситаларининг жадал ривожи ва уларнинг “тўртинчи ҳокимият” сифатида қабул қилиниши билан бирга, медианинг жамият маънавияти ва ёшлар тарбиясига салбий таъсир имкониятлари ҳам ортиб бормоқда.

Ахборот хуружининг мўлжал объекти сифатида алоҳида шахс, ижтимоий қатлам ёки бутун бир давлат киради. Замонавий шароитда жамият соҳалари модернизацияси ва аҳолининг интеллектуал салоҳияти ўсиши ахборот хуружи инструментларини янада “нозиклаштириш”ни талаб қилмоқда, чунки ушбу усул муайян жамият устидан таъсир ўтказишнинг қулай механизми сифатида қаралади.

“The Royal Pingdom” таҳлилларига кўра, ер юзи аҳолисини 67.5 фоизи интернет фойдаланувчиси ҳисобланади. Умумий аудиториянинг ярмидан ортиғини 25 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Йирик ижтимоий тармоқ “Facebook” маълумотига кўра, ҳар куни тизимга бир миллиарддан зиёд ташриф қайд этилади ва 600 мингга яқин ҳолатда бегона маълумотлар, фотосуратлар ва шахсий маълумотларни қўлга киритишга уринишлар кузатилади.

Ўзбекистонда аҳоли сони 38 миллионтани ташкил этади, шундан 30 ёшгача бўлганлар кўпчиликини ташкил этади. “Google” таҳлиллари Ўзбекистондан

кунига “odnoklassniki.ru” га 200 минггача, “Facebook” ка 90 мингга яқин, “Мой мир” га 40 мингдан ортиқ таширф бўлишини кўрсатади. Мамлакат ичидаги “doira.uz”, “vsetut.uz”, “odnoklassniki.uz”, “sinfdosh.uz”, “muloqot.uz”, “olam.uz” каби майдонлардаги фойдаланувчилар йиғиндиси ҳам мазкур кўрсаткичларга етолмайди.

Интернет муҳити орқали тарқалиши мумкин бўлган салбий ахборотлар фонида ҳушёрликка риоя қилиш, ўсиб келаётган авлодни бегона иллатлар ва ахборот хуружларидан ҳимоялаш долзарб вазифадир.

Айни вақтда тахминан 20 давлат ядро қуроли масалаларида ҳаракат қилаётган бўлса, 120 га яқин мамлакат ахборот ҳужумлари технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Маънавий таҳдид, хусусан, ёшлар онгини эгаллашга қаратилган ахборот амалиётлари сусаймаяпти.

АҚШда бир йилда ахборот хавфсизлиги ва манфаат ҳудудларида ахборот операцияларига 5 млрд доллардан зиёда маблағ ажратилади.

П. Бюкенен ўзининг “Ғарбнинг ҳалокати” асарида оммавий ахборот воситаларини маданиятлараро тўқнашувда “қамал қуроли”, ёшлар онгини эгаллашнинг ишончли воситаси сифатида тавсифлайди. Россиялик мутахассис Д. Ловтсов эса “ахборот қуроллари” деганда миллатнинг менталитети, маданияти, маънавияти, дини ва давлатнинг ахборот-технологик ҳамда ҳарбий инфратузилмасига деструктив таъсир кўрсатишга қодир махсус дезинформация воситалари тизимини тушуниш лозимлигини қайд этади. Таҳлилчилар бундай таъсирнинг мақсадларини қуйидагича белгилайдилар:

- дезориентация (йўлдан адаштириш);
- дезинформация (ёлғон ахборот тарқатиш);
- дестабилизация (барқарорликни издан чиқариш);
- босим ўтказиш ва ҳ.к.

Ҳозирги пайтда зўравонлик ва бузуқ хулқни тарғиб қилувчи тўрт мингдан ортиқ, ўз жонига қасд қилишга даъват этувчи ва унинг “осон усуллари”ни кўрсатувчи тўққиз мингдан зиёд веб-сайт мавжуд. Дунё миқёсида фойдаланувчиларнинг тахминан 40 фоизи беҳаё контентга мурожаат қилади, ёшларнинг 10 фоизи эса умуман интернетга қарам. Ахборотнинг 90 фоизи интернетдан, қолгани бошқа ОАВдан етиб бораётгани муаммонинг кескинлигини кўрсатади.

ОАВ, жумладан интернетдаги бузғунчи ёндашувлардан бири - “сохта демократия”ни илгари суриш технологиясидир. Унинг амалий ифодаси Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги қатор мамлакатларда “Араб баҳори” даврида кузатилган тартибли ахборот ҳужумлари орқали намоён бўлди.

Умумлаштирилса, интернет тармоқлари орқали ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи асосий хавфлар қуйидагилардир:

- ижтимоий тармоқларга қарамликни кучайтириш орқали фойдали машғулотларга вақтни қисқартириш ва ҳиссий қарамликни шакллантириш;
- беҳаёлик, зўравонлик ва жангариликка оид тарғиботнинг ўсиши;
- диний экстремизм ғоялари, миссионерлик ва прозелитизм тарғиботи;
- миллий маънавиятни емириб, “оммавий маданият”ни кенгайтиришга уринишлар;

- “инсон ҳуқуқлари” мавзусини ҳаддан ташқари бўрттириб, “сохта демократия” ниқоби остида беқарорлик сценарийларини тарқатиш ва ҳ.к.

Хулоса сифатида, “ахборот хуружи” жамият, айниқса ёшлар маънавий тараққиётига жиддий таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Унинг салбий оқибатларини юмшатиш учун қуйидаги вазифаларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ:

- ёшларда маънавий иммунитетни оширишга қаратилган тарғибот-таълим ишларини изчил давом эттириш, янги самарали методика ва форматларни жорий этиш;

- ёшларни носоғлом контентдан муҳофаза қилишга оид қонунчилик механизмларини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- миллий кадриятлар, анъаналар ва ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ички ижтимоий тармоқлар улушини ошириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қаҳҳарова Д. Бугунги кунда талаба-ёшларнинг ахборот хуружларидан ҳимоялаш // <http://fikr.uz/posts/8692.html> - 6 август 2012
2. Ахборот хуружи ёхуд “сохта демократия” тарғиботчилари // <http://sharh.uz/munosabat/item/153-demokratiya-axborot-xuruji-internet-afrika-yaqin-sharq> - 14 Сентябрь 2013
3. Икромов А. Ахборот технологиялари ва ёшлар маънавияти // <http://adolat.uz/analitika/1448> - 24 Август 2012
4. Толипов Н. Ахборот хуружлари ва ёшлар маънавияти. // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш газетаси,. -№ 39. 28.09.2012 // <http://www.uzssgt.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&raz=2&god=2012&mes=12&id=2539>
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б.112
6. Толипов Н. Ахборот хуружлари ва ёшлар маънавияти. // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш газетаси,. -№ 39. 28.09.2012 // <http://www.uzssgt.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&raz=2&god=2012&mes=12&id=2539>

7. Махсумов С. Энг қиммат товар, энг қудратли куч, энг қулай қурол // http://www.ziyouz.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=89:eng-qimmat-tovat-eng-qudratli-kuch-eng-qulay-qurol-&catid=39:texnologiya&Itemid=69
8. Ўша манба.
9. Икромов А. Ахборот технологиялари ва ёшлар маънавияти // <http://adolat.uz/analitika/1448> - 24 Август 2012